

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
юқори бошқарув органининг 25-сонли
ҚАРОРИ**

Тошкент шаҳри

2017 йил “29” 11

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши, ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига кирадиган қуйидаги масала бўйича қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устави тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масала бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари А.С. Шукуровнинг ахбороти тингланди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ юқори бошқарув органининг 2017 йил 6 сентябрдаги 21-сонли қарорига мувофиқ чиқарилган номинал қиймати 430 сўм бўлган 114 943 027 дона 49 425 501 610 сўмлик акциялар тўлиқ жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон қарорига асосан жамият устavigа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни янги таҳрирда чоп этилиб, “Ягона дарча” марказида руйхатдан ўтказилади. (жамиятининг янги таҳрирдаги устави илова қилинади).

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият ягона акциядори **қарор қабул қилади:**

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
акциядори - Давлат активларини
бошқариш маркази бош
директори в.в.б.**



Миралиев А.Э.